

UDK: 63.632.7.

ХИМОЯЛАНГАН ЖОЙ ЭКИНЛАРИДА ҒОВАК ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ПАШШАНИНГ БИОЭКОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Утепбергенов Адилбай Реймбаевич, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент

Шамшетова Айсулўй Муратбай қизи, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти докторанти

a.r.utepbergenov@mail.ru

Annotation The article provides information on the bioecological development of worms of porous making fly that cause damage to tomato crops in greenhouses in Karakalpakstan, the characteristics of the pest's damage to tomato leaves, and the time of flight of the fly, which turns into a pupa and starts the next generation.

Key words: porous, station, sucking, imago, egg, worm, leaf mesophyll, photosynthesis.

Кириш. Химояланган майдонларда ўсимлик зараркундаларининг кўпчилиги маълум бир экин турига ихтисосланган бўлиб, бу стацияда экинлар жиддий зарарланади.

Ш.Т.Хўжаевнинг [2] илмий маълумотларига кўра агромизид пашшаларнинг личинка ва етук зотлари ўсимликка зарар келтиради. Личинкалари барг тўқималари орасида силжиб, ўзига ҳос расмли ғовак-йул ҳосил қилади. Оқибатда баргнинг фотосинтезда қатнашадиган сатҳи камаяди. Айниқса ўсимлик ёш даврида зараркундаланинг зичлиги катта бўлганда ўсимлик катта талофат кўради.

С.А.Юнусовнинг [3] илмий ишларида ғовак ҳосил қилувчи пашша (*Liriomyza sativae*) кўпроқ помидор ва бодрингни зарарлайди. Бу зараркунанда ўсимлик барги мезофили билан озиқланиб, фотосинтетик юзани камайтиради, баргларнинг қуриб қолиши келтирилган.

У.Исашованинг [1] илмий тадқиқотларида помидорнинг гуллаш даврида ғовак ҳосил қилувчи пашшани иқтисодий хавфлилик чегара сони 1 та баргда 0,05 та ва мева пишиш даврида эса 0,43 миқдорда бўлганда зараркунандани кимёвий усулда улар миқдорини бошқариш чора тадбирларини белгилаш тавсия этилади

Илмий тадқиқот ишлари Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти қошидаги помидор экилган №1 чи иссиқхонасида олиб борилди.

Иссиқхонада экилган помидор экинида учрайдиган зараркунанданинг турини аниқлаш учун иссиқхонада ҳар куни назорат ишлари олиб борилиб, натижада зараркунанданинг тури аниқланди. Помидор экинида феврал ойининг биринчи ўн кунлигида биринчи бўлиб ғовакловчи пашша қуртларининг пайдо бўлганлиги, яъни зараркунанданинг қуртлари иссиқхонадаги помидор ўсимлиги барглари юзаси ичида озикланиши натижасида йингичка нақчли йўлчалар солиб зарар келтириши ҳисобга олинди (1-2 расмлар).



Расм-1. Помидор баргларида ғовак ҳосил қилиш пашша қуртлари зарарлаган белгилари (ҚАҚАИ №1 иссиқхонаси. 02.03.2024).



Расм-2. Лаборатория шароитида помидор баргидаги ғовак ҳосил қилувчи пашша қуртларининг ривожланиши ўрганилмоқда (ҚАҚАИ лабораторияси. 04.03.2024).

Иссиқхонада помидор зараркунандаларининг тур таркибини, тарқалиши ва келтирадиган зарарини урганиш мақсадида 1-2-март кунлари экилган помидор кўчатларида ҳар 5 кундан назорат ишлари олиб борилди. Натижада 15-март куни ғовакловчи пашшаси капалагининг учганлиги ҳисобга олинди ва улар қўйган тухумлардан чиққан куртлари март ойининг 25-санасида помидор баргларида пайдо бўлиб, 1 туп помидорнинг 6 та баргига ғовакловчи пашша куртининг тушганлиги аниқланди.

Зараркунанданинг куртлар зарарлаган баргларда узунасига нотуғри чизилган оқ рангли йўлчалар пайдо бўлди. Зараркунанда куртларининг ривожланиш биологиясини урганиш мақсадида зараркунанда тушган помидор кўчатлари лабораторияга олиб келиниб, банкаларга солинди ва банкалар энтомологик садок билан ёпилиб, назорат ишлари давом еттирилди.

Зараркунанда куртлари 14 кундан кейин, яъни 8-апрелда ғумбакка айланди. Помидор 12-апрел куни мевалашга ўтган даврида ғовакловчи пашша ғумбагидан кейинги авлодни бошлаб берувчи пашшаси учиб чиқди.

Хулоса. 1. Қорақалпоғистон шароитида иссиқхоналардаги помидор экинида ғовак ҳосил қилувчи пашша куртлари зарар келтиради.

2. Зараркунанданинг куртлари барг юзасини тешиб хужайрага киради ва йингичка нақчли йўлчалар ҳосил қилиб зарар келтиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Исашова У. Иссиқхонада помидор экинидаги хавфли ғовакловчи пашша (*LIRIOMYZA SATIVAENBLANCH.*) нинг иқтисодий зарари //Агро илм.-2018.- №2.Б.56-57.

2. Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари.-Тошкент: ООО «Yangi nashr Nashriyoti», 2019.-Б.168-169.

3. Юнусов С.А. Иссиқхоналарда помидор етиштиришда учрайдиган касаллик ва зараркунандалар.-Помидорни иссиқхоналарда етиштириш.-Нашриёт уйи “Тасвир”-2021.-Б.57-70.